



## **Ўзбекистон Республикаси Сirdaryo viloyati Hokimi**

### **Q A R O R**

**2015 yil 31 декабрь**

**346-сон**

**Guliston sh**

#### **Сирдарё вилоятида давлатга тегишли бино ва иншоотлардан ижара муносабатида фойдаланиш учун 2016 йилда қўлланиладиган ижара ҳақининг ягона энг кам ставкалари тўғрисида**

*Мазкур қарор Сирдарё вилояти ҳокимининг 2016 йил 30 декабрдаги 410-сонли “Сирдарё вилоятида давлатга тегишли бинолар ва иншоотлар бўйича 2017 йилда қўлланиладиган ижара тўловининг энг кам ставкалари тўғрисида”ги қарорига асосан 2017 йил 1 январдан ўз кучини йўқотган.*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 8 апрелдаги “Давлат мулкани ижарага бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 102-сонли қарори талабларини бажариш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси томонидан киритилиб Ўзбекистон Республикаси Молия ва Иқтисодиёт Вазирликлари билан келишилган 2015 йил 23 декабрдаги 406/01-14 ва 107 ҳамда БЮ/08-03-32-13/218-сонли хатларига мувофиқ

#### **ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 8 апрелдаги “Давлат мулкани ижарага бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 102-сонли қарори талабларидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси томонидан киритилиб, Ўзбекистон Республикаси Молия ва Иқтисодиёт Вазирликлари билан келишилган 2015 йил 23 декабрдаги 406/01-14-сонли хатлари асосида давлат кўчмас мулкларини ижарага беришда қўлланиладиган энг кам ижара ҳақи ставкалари маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Давлатга тегишли бўлган бино ва иншоотлардан 2016 йил 1 январдан бошлаб ижарада фойдаланиш жараёнида қўлланиладиган ижара ҳақининг энг кам ставкалари 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Вилоятда ижара ҳақи ставкалари 25 фоизга камайтирилган ҳолда қўлланиладиган олис қишлоқлар рўйхати 2-иловага мувофиқ, ижара ҳақи

ставкаларини белгилашда қўлланиладиган худудий зоналар ва қўшимча оширувчи коэффициентлари ҳамда бино ва иншоотлар бўйича ижара тўловини аниқлаш тартиби 3-иловага асосан тасдиқлансин.

4. Вилоят телерадиокомпанияси (Қ.Азизов), “Сирдарё ҳақиқати-Сырдарьинская правда” газеталари (Ж.Қосимов) мазкур қарорнинг ижроси юзасидан мунтазам равишда оммавий ахборот воситаларида эълон ва туркум материаллар бериб борилишини таъминласинлар.

5. Ушбу қарорнинг қабул қилдиниши муносабати билан вилоят ҳокимининг 2014 йил 31 декабрдаги 370-сонли қарори 2016 йил 1 январдан бекор қилинсин.

6. Мазкур қарор расмий нашрда эълон қилинган кундан эътиборан қонуний кучга киради.

7. Мазкур қарорнинг бажарилиши устидан назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари Б.Бўронов зиммасига юклатилсин.

**Вилоят ҳокими**

**О. Ашурматов**

Сирдарё вилоят ҳокимининг  
2015 йил 31 декабрдаги  
346 - сонли қарорига  
1- илова

*Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш,  
монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш  
Давлат қўмитаси томонидан киритилиб Ўзбекистон  
Республикаси Молия ва Иқтисодийёт Вазирликлари билан  
келишилган 2015 йил 23 декабрдаги 406/01-14- ва 107- ҳамда  
БЮ/08-03-32-13/218-сонли хатлари билан келишилган*

Сирдарё вилоятида давлат кўчар ва кўчмас, ҳамда асосий воситалари бўлган мулкларидан  
фойдаланиш учун 2016 йилда 1 кв.м. майдонга қўлланиладиган ижара ҳақининг энг кам  
миқдордаги ставкалари

№ т/р	Тармоқ кодлари	Ижарага олувчиларнинг тармоқ турлари	1 кв.м. учун йиллик энг кам ставка, сўмда
<b>Саноат</b>			
1	11 200	Ёқилғи саноати	3 500
2	13 100	Кимё саноати	3 500
3	13 300	Нефтегаз кимё саноати	3 500
4	14 100	Машинасозлик	3 500
5	14 200	Дастгоҳсозлик ва асбобсозлик саноати	3 500
6	14 300	Ҳисоблаш техникаси воситалари ишлаб чиқариш саноати	3 500
7	14 400	Трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги	2 800
8	14 500	Қурилиш, йўл ва коммунал машинасозлик	2 800
9	14 600	Енгил ва озик-овқат саноати машинасозлиги ва маиший ускуналар ишлаб чиқариш	2 800
10	14 710	Сантехник ва газ ускуналари ҳамда буюмлари ишлаб чиқариш	3 500
11	14 800	Металл конструкциялар ва маҳсулотлар ишлаб чиқариш саноати	3 500
12	14 780	Машинасозликнинг бошқа тармоқлари	3 500
13	14 900	Машина ва ускуналарни таъмирлаш	3 500
<b>Ўрмон, ёғочни қайта ишлаш ва целлюлоза-қоғоз ишлаб чиқариш саноати</b>			
14	15100	Ёғоч тайёрлаш	3 500
15	15 200	Ёғочни қайта ишлаш	3 500
16	15 300	Целлюлоза-қоғоз ишлаб чиқариш	3 500
17	16 100	Қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқариш	3 500
<b>Енгил саноат</b>			
18	17 100	Тўқимачилик саноати	3 500
19	17 200	Тикувчилик саноати*	3 500
20	17 300	Чарм, мўйна ва пойафзал саноати	3 500
21	17 900	Енгил саноатнинг бошқа турлари	3 500
<b>Озик-овқат саноати</b>			

22	18 100	Озиқ-овқат саноати (балиқчилик, гўшт, пишлоқ-ёғ ва сут саноатидан ташқари)	3 500
23	18 200	Гўшт ва сут саноати	3 500
24	18 300	Балиқчилик саноати	3 500
25	19 210	Ун-ёрма саноати	3 500
26	19 220	Омухта ем саноати	2 800
27	19 700	Озиқ-овқат саноатининг бошқа тармоқлари	3 500
<b>Саноатнинг бошқа тармоқлари</b>			
28	19 300	Медицина саноати	3 500
29	19 400	Матбаачилик (полиграфическая) саноати	9 900
30	19 740	Ҳар хил газламалар ва бошқалардан тайёрланган кийим-кечакларни кимёвий тозалаш, бўяш ва ишлов бериш*	4 200
31	19 900	Саноатнинг хўжалик бошқаруви	9 900
<b>Қишлоқ хўжалиги</b>			
32	21 100	Ўсимликшунослик (иссиқхоналар хўжалиги) 1 га учун	1 411 200
33	21 200	Чорвачилик (паррандачилик)	1 700
34	21 300	Балиқчилик хўжалиги (шу жумладан уруғчилик) 1 га	1 411 200
35	22 200	Ветеринар хизмати	3 500
36	22 300	Қишлоқ хўлагига хизмат қилувчи бошқа тармоқлар	3 500
37	30 000	Ўрмон хўжалиги (шу жумладан боғлар)	1 411 200
<b>Транспорт ва алоқа</b>			
38	51 111	Умумий фойдаланишдаги ер усти темир йўл транспорти	3 500
39	51 121	Транспорт тузилмаси (автопарк, таксопарк, автомобиль сақлаш жойлари, гаражлар, автоювиш пунктлари)	3 500
40	51 121	Транспорт тузилмаси (жарима майдончалари)	900
41	51 520	Аҳоли буюртмаси билан юкларни ташиш ва транспорт-экспедиция хизматлари	6 400
42	52 100	Почта алоқаси	3 500
43	52 200	Курьерлик алоқаси	7 000
44	52 300	Электро-сим алоқаси	7 000
45	52 300	Электро –радио – уяли ва пейджинг алоқаси (антенна- мачта ускуналари билан уларни тортиб турувчи симлари қотирма қозиклари томонлари ўлчамлари (периметри) билан)	29 600
<b>Қурилиш</b>			
46	60 000	Қурилиш	3 500
47	66 000	Лойиҳалаш, лойиҳа-изланиш ташкилотлари	3 500
<b>Савдо ва умумий овқатланиш</b>			
48	71 100	Улгуржи савдо	9 900
49	71 130	Маҳсулот (хизмат)лар катта партияси савдоси билан шуғулланувчи улгуржи бозорлар	25 400
50	71 200	Чакана савдо	9 900
51	71 200	Китоб савдоси дўконлари*	1 400
52	71 300	Умумий овқатланиш*	9 900
53	71 400	Маданий-маиший ва хўжалик эҳтиёж моллари прокати савдоси	9 860

54	71 500	Халқ хўжалиги молларини сотишда воситачилик савдоси	15 500
55	80 000	Материал-техник таъминот ва тақсимот	9 900
56	82 000	Ахборот-ҳисоблаш хизмати	9 900
57	82 100	Интернет ва компьютер тармоқларида хизмат кўрсатиш	9 900
58	83 000	Кўчмас мулклар билан воситачилик (риэлторлик хизматлари)	9 900
59	84 300	Реклама, ваколатлик хизматлари	9 900
60	84 400	Аудиторлик фаолияти	9 900
61	84 500	Маркетинг тадқиқотлари, тижорат, молия ва бошқарув фаолиятидаги ахборот - маслаҳат хизматлари	9 900
62	85 000	Геология ва ер ости бойликлари разведкаси, геодезия ва гидрометеорология хизмати	17 600
63	87 100	Таҳририят ва нашриёт хизматлари	5 600
64	87 300	Метал ва чиқиндиларни (утил) йиғиш идоралари	5 600
65	90 100	Уй-жой – коммунал хўжалиги (УЖЭЎ (ТСЖ) объектлари	5 600
66	90 220	Меҳмонхона хўжалиги	11 300
67	90 300	Аҳолига маиший хизмат кўрсатишнинг ноишлаб чиқариш турлари	5 600
68	90 300	Сартарошхона, расмхона, модалар уйи ва пойабзал таъмирлаш устахоналари	8 500
69	90 300	Ломбардлар	12 700
70	90 300	Ҳаммомлар	17 000
71	90 300	Сауналар ва чўмилиш хавзалари	33 900
<b>Соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва ижтимоий таъминот</b>			
72	91 510	Соғлиқни сақлаш	7 000
73	91 600	Дам олиш ва туризм*	7 000
74	91 611	Маданий-кўнгилочар марказлари (биярдхона, ўйин автоматлари, дискотекалар ва бошқалар)	11 300
75	91 700	Жисмоний тарбия ва спорт*	3 500
76	71 212	Дорихона** муассасалари, оптика ва медицина жихозлари савдо дўконлари	5 600
<b>Таълим</b>			
77	92 100	Олий ва ўрта махсус таълим йўналишида кадрлар тайёрлаш (ўқув курсларини қўшган ҳолда)*	5 600
78	92 200	Ишчи ва бошқа ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш*	4 900
79	92 310	Болалар умумтаълим мактаблари (нодавлат таълим муассасалари учун)*	2 800
80		Ўқув-таълим муассасаларидаги умумий овқатланиш *	3 500
81	92 400	Мактабгача тарбия муассасалари (нодавлат таълим муассасалари учун)	2 800
82	93 000	Маданият ва санъат*	9 900
83	93 132	Кўрғазмалар*	8 500
84	93 145	Таълим муассасаси*	2 800
85	93 160	Маданият ва истироҳат боғлари*	7 000

86	93 170	Ботаника боғлари ва зоопарклар	7 000
87	93 180	Телевидение ва радиоэшиттириш редакциялари	7 000
88	93 620	Киностудия, овоз ёзиш студиялари	11 300
89	95 000	Фан ва илмий хизмат кўрсатиш	4 200
<b>Молия-кредитлаш фаолиятлари</b>			
90	96 000	Молия, кредит (суғурталаш ва аудиторликдан ташқари), нафақа таъминоти	9 900
91	96 100	Банк фаолияти	9 900
<b>Ҳар хил кўринишдаги бошқа фаолият турлари</b>			
92	96 200	Суғурталаш	9 900
93	97 800	Суд ва юридик хизматлар	8 500
94	97 820	Адвокатлик коллегиялари ва юридик маслаҳатхоналари	8 500
95	98 000	Жамоат бирлашмалари	2 800
96	80 200	Омборхона бинолари	9 900
97		Бино ва иншоотларни (уларнинг қисмларини) давлат ташкилотларига бошқарув офиси сифатида фойдаланиш учун ижарага берилганда	4 200
98		Бино ва иншоотларни (уларнинг қисмларини) тижорат ташкилотларига бошқарув офиси сифатида фойдаланиш учун ижарага берилганда	15 500
99		Автомобилларга ёқилғи қуйиш шахобчалари	11 300
100		Енгил ва бошқа транспорт воситаларини таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш	11 300
101		Лабораториялар	7 000
102		Ҳар хил турдаги тўловлар хизмати (пайнет)	28 300
103		Маданий мерос объектлари бино ва иншоотларида савдо	15 500
104		Маданий мерос объектлари бино ва иншоотларида умумий овқатланиш*	13 500
105		Авиа кассалар (шу жумладан темир йўл, транспорт ва бошқалар)	15 500
106		Банкоматлар	141 300
107		Нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш	9 900

\*Олис ва тоғли ҳудудларда жойлашган давлат мулкидан фойдаланилганда ижара ҳақи ставкалари 25% га камайтирилади. Бунда олис ва тоғли ҳудудларда жойлашган қишлоқлар рўйхати Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси билан келишилган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоят ҳокимлари томонидан тааллуқли коэффициентларини белгилаш тўғрисидаги қарорлари билан аниқлик киритилади.

\*\*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 30 июндаги 07/10-41 сонли йиғилиш баённомасининг 11-банди асосан ҚВП (СВП) лар қошидаги мулкчилик туридан қатъий назар барча турдаги дорихона муассасалари ижара ҳақи тўловларидан озод қилинган.

\*\*\*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 22 ноябрдаги 02/1-74-сонли топиригига асосан Ўзбекистон Республикаси Мудофаа Вазирлиги тизимидаги савдо ташкилотларига ёпиқ ҳарбий шахарлар ва олис горнизонларда давлат мулкидан фойдаланганлик учун ижара ҳақининг 0 минимал ставкалари қўлланилади.

\*\*\*\* Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 24 июлдаги 02/107-2670-сонли топиригига асосан бўш ва фойдаланилмай келаётган давлат мулки иншоотларида ижарада фойдаланиб келаётган ЎзЛиДеп “Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати” Қороқолпоғистон

*Республикаси, Қашқадарё, Навоий, Фарғона, Тошкент вилоятлари ва Тошкент (Миробод туман) партиялари ҳамда ижтимоий-сиёсий “XXI asr” газетасига давлат мулки балансига ўтказилгунча ижара ҳақининг 0 минимал ставкалари қўлланилади.*

Сирдарё вилоят ҳокимининг  
2015 йил 31 декабрдаги  
346 - сонли қарорига  
2- илова

**Сирдарё вилоятида ижара ҳақи ставкалари  
25 фоизга камайтирилган ҳолда қўлланиладиган олис қишлоқлар  
РЎЙХАТИ**

Сирдарё вилоятида мавжуд олис қишлоқ ҳудудлари қуйидагилардан иборат:

**1. Сардоба туманидаги:**

- Ҳ.Олимжон аҳоли пункти;
- Дўстлик аҳоли пункти;
- Баҳор аҳоли пункти;
- Янгиобод аҳоли пункти;
- Ровот аҳоли пункти;
- Бахмаллик аҳоли пункти;

**2. Мирзаобод туманидаги:**

- Навбахор аҳоли пункти;
- Баҳористон аҳоли пункти;
- Йўлдошобод аҳоли пункти;

**3. Ховос туманидаги:**

- Чаманзор аҳоли пункти;
- Хуснобод аҳоли пункти;
- Қахрамон аҳоли пункти;
- Туркистон аҳоли пункти;
- Ховособод аҳоли пункти;
- Фарход (Чамбил) аҳоли пункти;
- Соҳибкор ҚФЙ ҳудудидаги аҳоли пунктлари

Сирдарё вилоят ҳокимининг  
2015 йил 31 декабрдаги  
346 - сонли қарорига 3-илова

**Сирдарё вилоятида ижара ҳақи ставкаларини белгилашда қўлланиладиган ҳудудий зоналар ва қўшимча оширувчи коэффициентлари ҳамда бино ва иншоотлар бўйича ижара тўловини аниқлаш тартиби**

<b>Гуруҳлар №</b>	<b>Шаҳар ва туманлар номи</b>	<b>Зоналар</b>	<b>ҳудудий зоналар коэффициенти</b>
<b>1</b>	<b>2</b>	<b>3</b>	<b>4</b>
<b>I</b>	Гулистон шаҳри	1,2,3,4	2,5 дан 1,9 гача
<b>II</b>	Сирдарё шаҳри Янгиер шаҳри Бахт шаҳри	1,2,3,4	2,3 дан 1,8 гача
<b>III</b>	Ширин шаҳри	1,2,3	2,2 дан 1,8 гача
<b>IV</b>	Оқолтин тумани Сирдарё тумани (бошқа ҳудудлари)	1,2	1,7 дан 1,5 гача
<b>V</b>	Боёвут тумани Мирзаобод тумани Ховос тумани	1,2	1,5 дан 1,3 гача
<b>VI</b>	Сардоба тумани Сайхунобод тумани Гулистон тумани	1,2	1,5 дан 1,3 гача

1. Ижара ҳақи ставкаларини белгилашда зоналар бўйича оширувчи коэффициентларни белгилаш:



- Гулистон шаҳрида (биринчи гуруҳ) зоналар бўйича (Зк) 1- 2,5; 2- 2,3; 3- 2,1; 4-1,9; иккинчи гуруҳдаги шаҳарларда зоналар бўйича 1- 2,3; 2- 2,1; 3- 1,9; 4- 1,8; учинчи гуруҳдаги шаҳарларда зоналар бўйича 1- 2,2; 2- 2,0; 3- 1,8; тўртинчи гуруҳдаги туманларда зоналар бўйича 1- 1,7; 2- 1,5; бешинчи гуруҳдаги туманларда зоналар бўйича 1- 1,5; 2- 1,3; олтинчи гуруҳдаги туманларда зоналар бўйича 1- 1,5; 2- 1,3.

2. Бинолар ва иншоотлар бўйича ижара ҳақи тўловини (ижара тўловининг таянч ставкаси) ҳисоблаб чиқиш қуйидаги тарзда аниқланади:

$$T_c = E_c \times K_3 \times (K_k + K_x + K_o)$$

Бу ерда:

$T_c$  - 1м<sup>2</sup> майдон учун бир йиллик ижара ҳақи тўловининг таянч ставкаси;

$E_c$  - бир кв.м. учун қўлланиладиган бир йиллик энг кам ставка;

$K_3$  - ҳудудий зоналар коэффициенти (ижарага олинган мулкнинг жойлашган ҳудудига қараб белгиланади).

$K_k$  - қурилиш тури бўйича коэффицент (алоҳида турган бино, қўшимча тақаб қурилган бино, бинонинг юқори қисми, чердак, болахона, ярим ертўла, ертўла);

- 1997 йилдан кейинги даврда янги қурилган алоҳида жойлашган бино ва иншоотлардан фойдаланиш коэффициенти – **0,9**

- 1997 йилгача бўлган даврда қурилган алоҳида жойлашган бино ва иншоотлардан фойдаланиш коэффициенти - **0,8**

- ҳар қандай алоқа хизмати кўрсатувчи компаниялар томонидан давлат мулкни “Балансда сақловчи”ларга қарашли бўлган ер майдонлари (иншоотлар)да ўз антенна - мачта қурилмалари ва алоқа воситалари ўрнатилганда - **0,9**

- ҳар қандай алоқа хизмати кўрсатувчи компаниялар учун бино ва иншоотнинг том ва мансарда қисмларидан фойдаланилганда - **0,8**

- уяли алоқа хизмати кўрсатувчи компаниялар учун давлат мулкни “Балансда сақловчи”лар томонидан тақдим этилган мачталарда алоқа ускуналари ўрнатилганда- **2,0**

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан давлат мулкни “Балансда сақловчи”ларга қарашли бўлган ер майдонлари (иншоотлар)да ўз мулклари (қурилмалари)ни ўрнатган ҳолларда- **0,6**

- бино ва иншоотнинг ички қисми ва тақаб қурилган бўлганда- **0,7**

- том ва мансарда қисмларда- **0,6**

- ер тўла ва ярим ер тўла ҳамда ижарага олинаётган бинонинг мослаштирилган қисмларда- **0,5**

- Қишлоқ жойларда жойлашган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари - **0\***

$K_x$  - туташиб кетган ҳудуддан фойдаланиш коэффициенти (ижарага олинган мулкнинг атрофи ўралган ёки ўралмаган, қўриқланадиган ёхуд қўриқланмайдиган) – **0,5**

- ҳар қандай алоқа хизмати кўрсатувчи компаниялар томонидан давлат мулкни “Балансда сақловчи”ларга қарашли бўлган ер майдонлари (иншоотлар)да ўз антенна - мачта қурилмалари ва алоқа воситалари ўрнатилганда - **0**

- ҳар қандай алоқа хизмати кўрсатувчи компаниялар учун бино ва иншоотнинг том ва мансарда қисмларидан фойдаланилганда - **0**

- Қишлоқ жойларда жойлашган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари - **0\***

- уяли алоқа хизмати кўрсатувчи компаниялар учун давлат мулкни “Балансда сақловчи”лар томонидан тақдим этилган мачталарда алоқа ускуналари ўрнатилганда- **0,5**

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан давлат мулкни “Балансда сақловчи”ларга қарашли бўлган ер майдонлари (иншоотлар)да ўз мулклари (қурилмалари)ни ўрнатган ҳолларда - **0,4**

$K_o$  - Тижорат мақсадларида фойдаланишда қулайлик коэффициенти (асосий автотранспорт йўллари бўйлаб жойлашган, иккинчи даражали автотранспорт йўлларига чиқишда жойлашиш ва бошқалар) - **0,5**

- ҳар қандай алоқа хизмати кўрсатувчи компаниялар “Балансда сақловчи”ларга қарашли ер майдонлари (иншоотлар)да ўз антенна-мачта қурилмалари ўрнатилганда- **0,2**

- ҳар қандай алоқа хизмати кўрсатувчи компаниялар учун бино ва иншоотнинг ички қисми ва тақаб қурилган бўлганда - **0,5**
- ҳар қандай алоқа хизмати кўрсатувчи компаниялар учун бино ва иншоотнинг том ва мансарда қисмларидан фойдаланилганда - **0,4**
- уяли алоқа хизмати кўрсатувчи компаниялар учун давлат мулкани “Балансда сақловчи”лар томонидан тақдим этилган мачталарда алоқа ускуналари ўрнатилганда- **0,4**
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан давлат мулкани “Балансда сақловчи”ларга қаршли бўлган ер майдонлари (иншоотлар)да ўз мулклари (қурилмалари)ни ўрнатган ҳолларда - **0,3**
- Қишлоқ жойларда жойлашган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари - **0\***

**\*Изоҳ:** Мазкур оширувчи коэффициентларни ҳисоблашда шаҳарлараро автомагистрал ва темир йўл ёқасидаги объектларда жойлашган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, уяли алоқа хизмати кўрсатиш ва улгуржи савдо билан шуғулланувчилар учун имтиёзлар қўлланилмайди.